

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРКУЛОВ ДОНИЁР РАХМИДДИНОВИЧ**

**ТИББИЙ МУТАХАССИСЛИККА ЭГА БЎЛГАН ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ  
ТАРБИЯСИНИ РЕГИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Норкулов Дониёр Рахмиддинович**

Тиббий мутахассисликка эга бўлган ўрта махсус таълим муассасалари  
ўқувчиларининг жисмоний тарбиясини регионал хусусиятлари.....3

**Норкулов Дониёр Рахмиддинович**

Региональные особенности физического воспитания учащихся средних  
специальных учебных заведений медицинского профиля.....29

**Norkulov Doniyor Rakhmiddinovich**

Regional features of physical education of students of secondary specialized  
educational institutions with a medical profile.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОРКУЛОВ ДОНИЁР РАХМИДДИНОВИЧ**

**ТИББИЙ МУТАХАССИСЛИККА ЭГА БЎЛГАН ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ  
ТАРБИЯСИНИ РЕГИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ-2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Ped2027 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz)) ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нуриллаева Наргиза Мухтархановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Алламуратов Шухратулла Иноятович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Хуррамов Жасур Қўйлиевич**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “17” март соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail:[uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети В-биноси, 2 қават илмий кенгаш зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (211870 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилган.

(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Р.Болтабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д., доцент

**Ф.А.Керимов**

Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё ҳамжамияти инсоният муаммолари глобаллашувининг мураккаб даврини бошдан кечирмоқда, соғлиқни сақлаш тизимидаги мутахассисларни касбий фаолиятларида жисмоний машқларни тарғиб қилиш учун жаҳонда муҳим ташаббуслар олға сурилмоқда. Тиббиёт соҳасида таълим олаётган ўқувчиларни жисмоний тарбия жараёнини такомиллаштириш ва ҳаракат фаоллигини ошириш, касбий фаолият жараёнида юқори ишчанликни сақлаб туриш масаласи бугунги кунда барча давлатларда энг муҳим вазифалардан бири этиб белгиланмоқда.

Жаҳондаги бир қатор илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиш, ташқи ҳарорат турлича бўлган ҳудудларда тиббиёт йўналишидаги ўрта махсус таълим муассасалари тизимидаги ўқувчиларни жисмоний тарбиясини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган мажмуавий илмий тадқиқотлар фақат фрагмент характерга эга эканлигини кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда бир қатор давлатларда таълимнинг ўрта бўғинида таҳсил олаётган қизлар ўртасида жисмоний тайёргарликнинг индивидуал компонентларини жорий этиш, функционал имкониятларини ошириш, чидамлик даражасини яхшилаш ва ўзгарувчан ва мураккаб шароитларга мослашувчанликни тезлаштиришга қаратилган тадқиқотлар етарлича тадбиқ қилинмаган. Жаҳонда тиббиёт йўналишидаги қизларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш ва мослашувчанлигини сезиларли даражада яхшилашга бўлган эҳтиёж ҳозирги шароитда илмий жиҳатдан ёндашувни талаб этмоқда.

Республикамизда ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, уларни жисмоний тайёргарлигини ошириш энг муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. «Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш»<sup>1</sup> муҳим аҳамият касб этади. Тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасалари тизимида таълим олаётган ўқувчиларнинг асосий таркибини қизлар ташкил қилишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тизимда фаолият олиб бораётган жисмоний тарбия ўқитувчиларининг диққат эътиборини бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятида керак бўладиган умумий ва махсус тайёргарликни такомиллаштиришга қаратиш керак. Бугунги кунда тиббиёт йўналишидаги ўқувчи-қизларининг ҳаракат фаоллигини таҳлил қилиш, уларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини пастилигини аниқлади, бунинг яна бир амалий натижаси сифатида дунёда COVID-19 коронавирус пандемиясининг пайдо бўлиши бир қатор бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам аҳолининг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, 3 июн 2017 йил., № ПҚ 3031. Lex.uz.

соғлиғи, жисмонан саломатлиғи, соғлом ҳаёт кечириш даражаси заиф эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947–сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368–сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 2 сентябрдаги ПФ-562-сон “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиғи.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз олимлари томонидан Фарғона водийси ҳудудида истиқомат қиладиган ўқувчи-ёшлар контингентида, В.Г. Ким, У.Т. Турсунов, А.А. Назиров, Н.М. Талипджанов, О.Т. Мамаджонов Ш.Х. Ханкельдиев каби мутахассислар томонидан илгари ўтказилган илмий тадқиқотларнинг натижалари катта қизиқиш уйғотди. Улар, диссертацион тадқиқотларни ўтказиш жисмоний машқларни гипертермия шароитларида бажаришнинг ҳар хил вариантларини апробациядан ўтказишган ва уларни иссиқликка адаптация қилишга таъсирини яхши ўтишини тажрибаларда асослашган ҳамда таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия бўйича машғулотларда уларни кенг қўлланилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқишган.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup> Ким В.Г. Содержание физического воспитания учащихся ССУЗ, проживающих в регионах с жарким климатом. Автореф. дисс...канд. пед. наук М. 1989. -С. 23-25., Турсунов У.Т. Физическая подготовка студентов в системе организации труда сельскохозяйственных отрядов. Автореф. дис...канд. пед. наук. - М: 1991. -С. 21-25., Назиров О.Т. Особенности методики физического воспитания учащихся старших классов, проживающих в условиях жаркого климата. Автореф. дис...канд. пед. наук М. 1991. -С 17-22., Талипджанов А.А. Особенности содержания физического воспитания девушек, обучающихся в средних специальных учебных заведениях. Автореф. дисс...канд. пед. наук. - Т.: 1997. – С. 27-29. Ханкельдиев Ш.Х. Ураимов С.У. Теоретические основы физического статуса. Монография. - Ташкент. - 2018. - С.127-129

Тиббиёт йўналишидаги ўрта махсус таълим муассасалари тизимидаги жисмоний тарбия масалалари бўйича мамлакатимиздаги ва хориждаги махсус адабиётларни таҳлил қилиш, қизлар контингентини саломатлиги ҳолати ва бўлажак касбий фаолиятга махсус ҳаракат тайёргарлигини шакллантириш муаммоси қатъий илмий-педагогик тадқиқотларни ўтказилиши кераклигини кўрсатди.

Хорижий мамлакат олимларидан ўз билим ва кўникмаларини турли соҳаларда амалий қўллай оладиган тиббиёт йўналишида таълим олган битирувчиларга бўлган эҳтиёжни ортиб бораётганлиги соҳа мутахассислари томонидан эътироф этилган. М.В.Игуменов, Л.П.Матвеев, В.И.Изаак, В.А.Мезенцева, А.Ф.Башмакларнинг<sup>3</sup> ишларида ихтисослаштирилган ўрта бўғин таълим муассасаларидаги жисмоний тарбиянинг долзарб йўналиши мазкур касб учун зарур бўлган ҳаракат сифатларини такомиллаштириш ҳисобланиши таъкидланган. Мазкур муаммо М.С.Хазиахметова, А.М.Гафитулин, Д.В.Никифоров, Ю.А.Маренчук, С.Ю.Рожков<sup>4</sup> каби мутахассислар томонидан олий таълим муассасалари талабаларининг жисмоний тарбияси бўйича етарлича ўрганилган. В.Г. Ким., З.Х.Бадаева, Е.Б. Холодов Р.М. Расулов, Н.Т. Тухтабоев., Ураимов С.Р.<sup>5</sup> каби, бир гуруҳ муаллифлар томонидан ўқувчи-қизларни жисмоний тарбияси бўйича диссертация ишлари бажарилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб жисмоний тарбия фанининг долзарб муаммоларидан бири организм тизимларининг функционал ҳолатига жисмоний тарбия бўйича давлат дастурларида назарда тутилган жисмоний машқларни бажариш билан боғлиқ бўлган ҳудудий омилларни таъсир қилиши шароитида таълимнинг профессионал бўғинида амалга ошириладиган жисмоний тарбияни такомиллаштириш, уни машғулот ва ўйин давомида сақлаш масалаларига эътибор қаратилмаган.

---

<sup>3</sup> Игуменов В. Основы формирования образовательного стандарта дополнительного профессионального образования //Теория и практика физической культуры. - Москва, 2001. - №12. - С.7-8., Матвеев Л.П. Теория и методика физического воспитания различных групп населения. Т.2 //Учеб. для студентов высших учебных заведений физического воспитания и спорта. - Киев.: Олимпийская литература, 2003. - 390 с. Изаак В. ППП в системе физического воспитания студентов. Учебное пособие. Т.,2003. -22 с., Мезенцева В.А., Башмак А.Ф. Физическая культура: учебное пособие Самара: РИЦ СГСХА. -2016. - 214 с.

<sup>4</sup> Хазиахметова М.С. Особенности методики физического воспитания дошкольников, проживающих в условиях жаркого климата. Автореф. дис...канд. пед. наук. - М.- 1991. -С. 27-30., Гафитулин А.М. Профессионально-прикладная физическая подготовка работников предприятий и студентов вузов связи. Учебное пособие – Ташкент 1991. -52 с., Никифоров Д.В. Формирование адаптируемости учащихся к профессиональным нагрузкам средствами физической культуры: Автореф.дис канд. пед. наук. Челябинск. 2005.-24 с., Маренчук Ю. А., Рожков С. Ю. Основы здорового образа жизни изд-во СКФУ. -Москва.- 2019.- С.74-76

<sup>5</sup> Ким В.Г. Содержание физического воспитания учащихся ССУЗ, проживающих в регионах с жарким климатом. Автореф. дисс...канд. пед. наук М. 1989. -С. 23-25., Бадаева З.Х. Методика занятий с девочками на уроках физической культуры у-У11 классах сельских школ Узбекистана. Автореф, дисс.канд. пед, наук Ташкент 1994. -С.26-28 с. Сулов Ф.П., Гиппенрейтер Е.Б., Холодов Ж.К. Спортивная тренировка в условиях среднегорья. - Москва.: РГАФК. 1999. - 200 с.Расулов Р.М. Совершенствование внеклассной работы по физическому воспитанию в сельских общеобразовательных школах. Автореф. дис.канд. пед. наук. – Т-2008. -С. 27-29., Тухтабоев Н.Т. Жисмоний тарбия мутахассисларининг касбий махоратини ривожлантиришига ташкилий-педагогик ендашув. Автореф. дис...канд. пед. наук. – Т-2011. -С. 27-29., Ураимов С.Р. Харбий-техник лицейлари уквчиларининг амалий жисмоний тайергарлигини педагогик хусусиятлари. Автореф. дисс...докт. философии (PhD) по пед. наук. - Т.- 2019. – С. 27-30

**Диссертация тадқиқотини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Фарғона филиали илмий тадқиқот ишлари режасининг V-7-2 “Мутахассислар малакасини ошириш жараёнида таълим сифатини ошириш ва жисмоний тарбиянинг назарий-услубий асосларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** регионал хусусиятларни ҳисобга олиб, тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасалари ўқувчи-қизларининг жисмоний тарбияси учун зарурий ҳаракат сифатларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўқувчи-қизларни умумий жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш учун ёрдамчи модел ишлаб чиқиш;

ўқувчи-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишда гипокинезияни компенсация қилувчи восита сифатида статик машқларни турли вариантларидан фойдаланиб қўллаш;

организмга ҳудудий омилларни таъсирини ҳисобга олган ҳолда йилнинг иссиқ босқичларида юзага келадиган гиподинамияни компенсация қилувчи машқлар мажмуасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқувчи-қизларнинг жисмоний ривожланганлик кўрсаткичларини баҳолаш ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш платформа дастури ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларидаги ўқувчи-қизларнинг жисмоний тарбия бўйича машғулот жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни профессионал таълим муассасалари тизимидаги ўқувчи-қизларнинг амалий жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тажрибада илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета-сўров, педагогик кузатув, шагометрия, педагогик тестлаш, тадқиқотни амалга ошириш бўйича педагогик тажрибалар, ҳаракат фаоллигини мониторинг қилиш, назорат синовлари, математик статистика усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасалари ўқувчи-қизларини умумий жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш учун зарурий ҳаракат сифатларини ривожлантиришга қаратилган вариатив танлашга асосланган организмнинг таъсир қилиш хусусияти бўйича бутун танани мустаҳкамловчи кардио машғулот воситалари, портловчи куч ва мувозанатни ривожлантирувчи «Кўчма зина» моделини ишлаб чиқиш ҳисобига махсус ва ёрдамчи машқлардан фойдаланиш имконияти кенгайтирилган;



тиббиёт йўналишида профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизларнинг организмининг етарли ривожланмаган мувозанатини тиклаш ва тўлдириш учун гипокинезияни (пастки мушаклардаги энг кичик ҳаракат фаоллиги доираси етарли бўлмаган ҳолати) олдини олишга қаратилган статик машқларни етти босқичли уч бурчак (Алпинист) методини ишлаб чиқиш ҳисобига чекланган темп ва ҳаракат доираси билан тана қисмлари бўйича машқлантириш имконияти кенгайтирилган;

тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизларда кузатилаётган гиподинамияни (жисмоний ҳаракатчанликни пасайиши) олдини олишга қаратилган организмнинг думғаза ва пастки мушакларига кичик ҳажмда машқлар юклама шиддатларидаги берилган вақтни қисқартириб аэроб шароит учун иккита босқичда тўлқинли ҳаракат методини ишлаб чиқиш ҳисобига ҳаракат фаоллиги оширилган;

тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизларнинг зарурий ҳаракат сифатларини ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги даражасига таъсир этиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда махсус машқлар мажмуасини индивидуал вариатив танлаш (SP) платформасини ўз вазни, бўйи ва ёшига нисбатан ишлаб чиқиш ҳисобига касбий фаолиятлари учун юқори жисмоний фаоллик даражасини сақлаб туриш имкониятлари кенгайтирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасалари ўқувчи-қизларини умумий жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш учун зарурий ҳаракат сифатларини ривожлантиришнинг вариатив танлашга асосланган «Кўчма зина» моделини ишлаб чиқиш ҳисобига махсус ва ёрдамчи машқлар мажмуаси ишлаб чиқилган;

ўқувчи-қизларда кузатилаётган гипокинезияни олиш учун ишлаб чиқилган (Алпинист) методи иссиқ иқлим шароитларида ҳам организмининг етарли ривожланмаган мувозанатини тиклаш ва тўлдириш учун муҳим аҳамият касб этган;

ўқувчи-қизларда кузатилаётган гиподинамияни олдини олишга қаратилган (Тўлқинли ҳаракат) методи кичик тиббиёт ходимларини самарали жисмоний тайёргарлигини даражасини оширишни имконини берган;

ўқувчи-қизларнинг зарурий ҳаракат сифатларини ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги даражасига ошириш учун (SP) платформаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий-амалий ҳамда услубий, илмий тадқиқотнинг мантиқий кетма-кетлиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ватанамиз ва хориждаги олимларни, етакчи мутахассисларни таълимнинг мазкур тизимига нисбатан қарашларини илмий асосланганлиги, тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасалари тизимидаги жисмоний тарбия бўйича машғулот жараёнига инновацион технологияларни жорий қилинганлиги,

синовдан ўтказилган контингентнинг репрезентативлиги, тажриба синов ишларининг ишончлилиги ҳамда олинган натижаларни математик, статик таҳлил қилиш услублари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасалари тизимидаги ўқувчи-қизларнинг жисмоний тарбияси назарияси ва услубиятини маълум бир ҳисса қўшади ҳамда ўқув жараёнига акцентлаштирилган йўналганликка эга инновацион педагогик технологияларни гипертермия шароитларида жорий қилиш билан узлуксизлигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий-услубий материаллар тиббиёт йўналишидаги ўқувчи-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш учун хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарғона шаҳридаги тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизларнинг умумий жисмоний тайёргарлик даражасини оширишга қаратилган тажриба тадқиқотлари асосида:

ўқувчи-қизларнинг жисмоний тайёргарлик жараёнини ошириш учун жорий қилинган фойдали модели «Кўчма зина» (Патент муаллифлик ҳуқуқини рўйхатга олиш рақами 02058) Фарғона шаҳар тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизлар ўқув машғулоти жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 89-03-3988-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи-қизларнинг махсус машқлар орқали босқичма-босқич ўзлаштириш учун турли вариантларда танлаш имконияти яратилган ва ўқувчи-қизларни жисмоний тайёргарлиги ҳолати 13,9% га яхшиланган;

организмнинг етарли ривожланмаган мувозанатини тиклаш ва тўлдириш учун ўқувчи-қизларни чекланган темп ва ҳаракат доираси билан тана қисмлари бўйича машқлантириш имконияти бўйича таклифлар Фарғона шаҳар тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизларнинг “Жисмоний тарбия” машғулотларга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 89-03-3988-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи-қизларнинг эгилувчанликни ва мувозанатни ушлашга йўналтирилган характеридаги комбинацияланган машқларни нафас машқлари билан уйғунликда бажариш ҳаракат фаоллиги даражаси 19,1% га ўсишга эришилган;

ўқувчи-қизларда кузатилаётган гиподинамияни олдини олиш учун аэроб шароитларда ҳаракат фаоллиги оширишга қаратилган кичик ҳажмда машқларни юклама шиддатларида қўллаш имкониятлари машғулоти жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 89-03-3988-сон

маълумотномаси). Натижада ўқувчи-қизларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги 12,4 % га ошган;

ўқувчи-қизларнинг зарурий ҳаракат сифатларини ривожлантириш учун махсус машқларни платформа сифатида фойдаланиш бўйича таклифлар Фарғона шаҳар тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасалари жисмоний тарбия дарслари ва машғулот жараёнига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 октябрдаги 89-03-3988-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи-қизларнинг ўз вази, бўйи ва ёшига нисбатан жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги 14,2% га ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот материаллари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 дан ортиқ илмий-услубий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 мақола (2 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 120 саҳифа матн, 15 та расм, 22 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида танланган мавзунинг долзарблиги илмий жиҳатдан асосланган, диссертация мавзуси бўйича мамлакатимиз ва хориждаги илмий тадқиқотлар материаллари бўйича мазкур муаммони ўрганилганлиги даражаси тўғрисида ахборот келтирилган, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, услублари, натижаларнинг объективлиги, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, нашр қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тиббиёт мутахассисликка эга бўлган профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг жисмоний тарбиясини долзарб муаммолари**» деб номланган биринчи бобида асосий эътибор ҳудудий омилларнинг таъсири шароитларида профессионал таълим муассасалари тизимидаги жисмоний тарбия тизимини такомиллаштиришга қаратилганлиги баён қилинган. Ҳудудий омилларнинг таъсирини ва юзага келган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотчилар томонидан ўқувчи-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги муаммосига ва меъёрий кўрсаткичларни ўзгаришлари динамикасининг асосий анъаналарини аниқлашга катта эътибор қаратилган.

Ўқувчи-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш пайтида, атроф-муҳит ҳарорати юқори бўлган ҳудудларда истиқомат қилиш омиллини ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлардаги маълумотларга кўра, қизларнинг тана узунлигини ўсиши, асосан 15-16 ёшга келиб якунланади, тана вазнига келсак эса, у барча ўрганилаётган давр давомида ортишида давом этади.

Атроф-муҳит ҳарорати юқори бўлган ҳудудда истиқомат қиладиган ўқувчи-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги бўйича тажриба маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш, бошқа муаллифлар томонидан аналогик контингентда ўтказилган тадқиқотларда қайд қилинган натижалар алоҳида кўрсаткичлари бўйича жуда бир-бирига яқин эканлигини кўрсатди.

Охирги йилларда, ўсиб келаётган авлоднинг ҳаракат фаоллигини ўрганишга саломатликни, жисмоний ривожланишни ва ҳаракат тайёргарлигини ёмонлашуви билан боғлиқ асосий салбий омил бўлиб қолган ҳаракат фаоллигини етишмаслиги туфайли катта эътибор қаратилмоқда.

Аёллар, атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати намликни ҳам юқори бўлиши билан бирга бўлганида, анча юқори ҳароратга чидамли бўлишга адаптация қилиши аниқланган. Атроф-муҳит ҳарорати ва намлиги юқори бўлган шароитларда аёлларни жисмоний машқларни бажаришга бўлган толерантлигини юқорилиги, улар танаси юзасини ва вазнини қулай нисбати билан боғлиқ, бу, радиация ва конвекция воситасида иссиқликни ажратилишини енгиллаштиради.

Диссертациянинг «**Педагогик тадқиқотнинг усуллари ва уни ташкил қилиниши**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета-сўров усулидаги социологик тадқиқотлар, антропометрик ўлчашлар, педагогик кузатув, ҳаракат қобилятларини педагогик тестлаш, педагогик тажрибалар ва математик статистика усулларида фойдаланилганлиги баён қилинган.

Барча тажрибалар Фарғона шаҳридаги тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизлар контингентида 2018-2021 йиллар давомида, махсус ташкиллаштирилган 5 та босқич шароитларида бажарилди.

Биринчи босқичда, амалиёт маълумотлари ва илмий адабиётлар материаллари бўйича масаланинг ҳолати ўрганилди.

Иккинчи босқич (2018 йил сентябр – 2019 йил сентябр), тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларини баҳолашга бағишланди.

Учинчи босқич (2019 йил сентябр – 2020 йил сентябр), ўқувчиларнинг ҳаракат фаоллиги динамикасини йил давомида ўрганишдан иборат бўлди. Ҳаракат фаоллиги динамикаси йил давомида дам олиш кунлари, сессия ва таътил босқичларида қайд қилинди.

Тўртинчи босқич (май-сентябр, 2020й.), машқларнинг махсус мажмуаларини, гипокинезияни компенсация қилувчи восита сифатида гипертермия босқичларида қўллашнинг имконияти ва самарадорлигини баҳолашга бағишланди.

Бешинчи босқич биринчи тўртта босқичда бажарилган ишларда олинган назарий ва тажрибавий материалларни қайта ишлашни, интерпретациясини ва баён қилинишини назарда тутди.

Диссертациянинг «**Тиббиёт мутахассисликка эга бўлган профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини ҳудудий хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда диссертация ишида қўйилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ўрганилаётган масалаларнинг умумий спецификасини аниқлаш имконини берадиган ўқувчи-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини аҳамиятини аниқлашга йўналтирилган анкета-сўров усулидаги тадқиқотларнинг натижалари баён қилинган.

Тадқиқ қилинаётган контингентнинг гиподинамияси билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш мақсадида “Ҳаракат фаоллигининг қайси шаклини афзал кўрасиз?” деган савол қўйилди ва олинган натижалар қуйидагича бўлди: 27,8% ўқувчилар эрталабки гигиеник гимнастикани, 32,2% очиқ ҳавода миллий ҳаракатли ўйинларни, 7,9% бадий гимнастика, аэробика ва аёллар спортининг алоҳида турлари билан шуғулланишни афзал кўришларини, 32,1% профессионал таълим тизимидаги жисмоний тарбия дастурида назарда тутилган машқлар билан ўқув жараёнида шуғулланишларини айтишган. “Тиббиёт йўналишидаги жисмоний тарбия бўйича мавжуд дастурни қандай баҳолайсиз ва у битирувчи қизларнинг ҳаракат фаоллигини бўлажак касбий фаолият талабларига жавоб берадими?” деган саволга 74,6% ўқувчи қизлар ижобий жавоб беришган, 16,7% – жисмоний тайёргарлик талабларига жавоб бермаслигини уқтирилган ва 8,7% – жавоб беришга қийналишган. Бу ҳолат, базавий жисмоний тарбия жараёнини ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолиятини дарсдан ташқари шакллари такомиллаштирадиган моддий-техника ва спорт базасини яхшилаш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Тиббий мутахассисликка эга бўлган профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-қизлар ўртасида ўтказилган анкета-сўров натижалари қуйидагиларни аниқлаш имконини берди:

1. Тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган ўқувчи-қизларнинг акцентлаштирилган жисмоний тайёргарлиги, уларни таълим олишлари босқичида соғлиқни сақлаш тизимида кичик тиббиёт ходими сифатида бўлажак касбий фаолияти истиқболи учун долзарб аҳамият касб этади;

2. Анкета-сўровда иштирок этган респондентларнинг аксарият қисми базавий амалий машғулотлар билан бир қаторда, ўқув жараёнини аёллар контингентининг истакларидан келиб чиққан ҳолда тузишнинг замонавий педагогик усуллари жорий қилинишини афзал кўришади, бу, ўқувчи-қизларда ҳаракат фаолликларини такомиллаштириш билан шуғулланишга бўлган қизиқишларини сезиларли даражада оширади;

3. Ўқувчи-қизларининг жисмоний тайёргарлиги самарадорлигини ошириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- жисмоний тарбия бўйича мажбурий машғулотлар ҳажмини, аёллар спортининг танланган турлари билан дарсдан ташқари шуғулланишга ўқувчи-қизларни жалб қилиш ҳисобига ҳафтасига 8-10 соатгача оширишни;

- ўқувчи-қизларнинг ривожланиши ортда қолаётган ҳаракат сифатларини тренировка қилдиришга йўналтирилган жисмоний тарбия бўйича мажбурий машғулотларни бутун ўқув даврида ташкил қилишни;

- жисмоний тарбия бўйича амалий машғулотларни методик жиҳатдан тўғри ўтказиш учун зарур бўлган моддий-техника базасини такомиллаштиришни ва спорт жиҳозларини харид қилишни;

Қизларнинг жисмоний статусига ҳудудий омилларни таъсирини баҳолаш пайтида, шуни айтиш лозим, атроф-муҳитнинг юқори ҳарорати ўртача 69 кунни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасининг иқлими аридли белгиларини намоён қилиши билан кескин-континентал ҳисобланади. Фарғона водийининг ҳудуди специфик хусусиятлари билан тавсифланади ва улар, гипертермия омилини ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия бўйича дастурни такомиллаштириш бўйича махсус чора-тадбирлар заруратини келтириб чиқаради.

Ўтказилган тадқиқотларда ёз ойларида жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини пасайиши аниқланган, бу, ўқувчи-қизларни ёз ойларидаги ҳаракат фаоллигини етишмаслиги билан ва қисман, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишдаги танаффуслар билан тушунтирилади. Ёз ойларида ҳаракат фаоллигини кундалик пасайиши ҳаво ҳароратининг юқорилиги билан бирга ўтади, у, айрим кунлари 40°C дан юқори бўлади.

Тажириба маълумотларини қиёсий таҳлил қилиш, тана узунлиги тенг бўлган шароитда тана вазнида ҳам нисбатан ўхшаш натижалар кузатилишини кўрсатади. Масалан, 17 ёшга келиб тана вазнидаги фарқлар деярли тенглашади. Бундай фарқларнинг мавжудлиги республикамизнинг жанубий ҳудудларида балоғат ёши даври анча эрта ёшга мос келиши билан боғлиқ.

## 1-жадвал

### Тиббиёт коллежи ўқувчи қизларининг жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари ( $x \pm \sigma, n=140$ )

№	Кўрсаткичлар	1-Курс			2 курс			
		X	$\sigma$	V	X	$\sigma$	V	t
1	Югуриш 100 м.с	18,3	2,31	12,6	17,9	3,16	17,6	1,08
2	Югуриш 500 м.с	118,9	2,54	13,6	114,9	3,04	2,9	1,05
3	Югуриб келиб узунликка сакраш, м.	2,94	1,37	39,07	3,11	1,17	37,6	3,10
4	Жойидан туриб узунликка сакраш, м.	1,66	5,56	4,29	1,70	4,03	5,4	3,62
5	Граната улоқтириш 500 гр. м.	17,4	2,24	12,8	18,2	1,97	4,92	3,8
6	Чалқанча ётган ҳолатда оёқларни 90 г.с кўтариш	17,1	3,02	3,6	19,9	3,09	4,29	4,56
7	Олдинга эгилиш, см	+4,1	0,12	2,92	+4,2	0,17	4,16	1,61
8	Ётган ҳолатда қўлларни таянчда букиш ва ростлаш, марта	6,7	0,81	12,1	7,6	0,91	5,52	2,84

Махсус адабиётларни мониторинг қилиш, атроф-муҳит ҳарорати юқори бўлган ҳудуддаги тиббий мутахассисликка эга бўлган профессионал таълим муассасалари ўқувчи-қизларининг жисмоний тайёргарлиги бўйича илмий

асосланган кўрсаткичларни мавжуд эмаслигини кўрсатди. Бу, уларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳолати ва динамикасини таълим йиллари бўйича ўрганишга асос бўлди ва таълимнинг мазкур бўғинидаги жисмоний тарбия тизимини такомиллаштириш мақсадида танланган илмий изланишнинг долзарблигини белгилади.

Педагогик тажрибада тиббий мутахассисликка эга бўлган профессионал таълим муассасалари аёллар контингентини жисмоний тайёргарлиги даражасини ўрганиш вазифаси қўйилган эди ва унда, меъёрий талаблар сифатида жисмоний тайёргарликни аниқловчи тестлар батареясига қуйидагилар киритилди: 100 м югуриш, кросс 500 м, жойидан туриб ва югуриб келиб узунликка сакрашлар, граната улоқтириш, умумий эгилувчанлик ва чалқанча ётган ҳолатда оёқларни 90 градусга кўтариш.

Тажрибада олинган материаллар математик статистика усулида қайта ишланди ва 1-жадвалда келтирилади.

Ўқувчи-қизларнинг тезкорлик имкониятларини таҳлил қилиш, биринчи курс ўқувчилари 100 м масофани  $18,3 \pm 0,24$  сек.да босиб ўтишганини кўрсатди, иккинчи курс ўқувчи қизлари масофани биринчи курс қизларига нисбатан 0,4 сек.га тезроқ босиб ўтишди ва уларнинг натижалари  $17,9 \pm 0,30$  сек.ни ташкил қилди. Олинган натижаларни дастурий материалларда назарда тутилган баҳолаш градацияси билан қиёсий таҳлил қилиш, тезкорлик имкониятларини дастлабки кўрсаткичлари билан “аъло” баҳоли фарқни - 2,6% қизлар, “яхши” баҳоли фарқни - 14,8% қизлар ва “қониқарли” баҳоли фарқни - 38,4% қизлар кўрсатганини тасдиқлади (1-жадвал қаранг).

Чидамлилик сифатини 500 м масофага кросс югуришида тестлаш маълумотлари бўйича баҳолашда, биринчи курс ўқувчи қизларининг натижалари ўртача  $1,18,9 \pm 2,54$  мин.ни, вариатив тарқоқлиги – 14,5% ни ташкил қилиши аниқланди, иккинчи курс қизларида эса – ўртача натижа ишончсиз  $1,14,5 \pm 3,04$  мин.гача яхшиланди, фарқ 3,9% ни ташкил қилди.

“Граната улоқтириш” тестида биринчи курс ўқувчи-қизларининг натижалари ўртача  $17,4 \pm 1,24$  м.ни, иккинчи курсда такрорий тестлашда эса –  $18,2 \pm 1,97$  м.гача ( $t=3,80$ ) ўсиши анъанаси мавжудлиги аниқланди.

Ўқувчи-қизларнинг жисмоний ривожланиши бўйича ўтказилган тадқиқотларда олинган натижаларни таҳлил қилиш, профессионал таълим муассасалари тизимидаги жисмоний тарбия бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимидаги бўлажак касбий фаолиятга тайёрлаш самарадорлигини оширадиган инновацион педагогик технологияларни жорий қилиш билан қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Йилнинг ҳар хил босқичларида қайд қилинган кўрсаткичларни таққослаш, тадқиқ қилинган кўрсаткичларнинг ўзгаришини энг аниқ ижобий динамикаси сентябр ойидан то май ойига қадар бўлган давр учун характерли эканлигини кўрсатди. Ёз ойлари учун жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари учун типик турғунлик, айрим ҳолатларда эса, уларни пасайишига бирмунча

кучсиз анъанага хос бўлиб, синовдан ўтувчилар вазнини ишончсиз ортиши билан бирга кузатилди (2-жадвал қаранг).

Атроф-муҳит ҳарорати юқори бўлган ҳудудларда жойлашган ўқувчи-қизларнинг жисмоний ривожланишини алоҳида кўрсаткичлари динамикасини ўрганиш илмий қизиқиш уйғотди. Ёзнинг уч ойи – майдан то сентябр ойигача бўлган даврда тана вазнининг ортиши, барча ўқув давридагига нисбатан (сентябрдан то май ойигача) анча юқори бўлди.

Агарда ушбу ҳолат, мамлакатимизнинг атроф-муҳит ҳарорати юқори бўлган жанубий ҳудудларида истиқомат қиладиган аҳоли учун хос тана вазнини катта миқдорда йўқотилиши ва шу ҳолат билан чақирилган иштаҳанинг пасайиши билан таққосланса, унда, ёз ойларида тана вазнини анча даражада ортишини ёз ойларида ҳаракат фаоллигини пасайиши ва мос равишда энергия сарфини камайиши билан тушунтириш мумкин.

Шуни ҳисобга олиш керакки, мазкур ҳолатда тана вазнини камайиши тана узунлигини ортиши билан бирга содир бўлмади ва демак у, мазкур даврда бўйининг ўсиши жараёнларини фаоллашуви билан тушунтирилиши мумкин эмас. Демак, тана вазнини ортиши, энергиянинг келиб тушиши ва уни ҳаёт фаолиятининг умумий жараёнлари ва мушакларнинг ишчанлик қобилиятида сарфланиши оқибатидаги дисбаланс билангина боғлиқ.

Шу билан бирга ўқувчи-қизларининг жисмоний ривожланиши даражасини тажрибаларда тадқиқ қилиш жараёнида 15 ва 16 яшар ўқувчилар учун мазкур антропометрик параметри бўйича баҳолаш градациялари ишлаб чиқилди. Ушбу градациялар бўй тавсифларига кўра регрессия шкаласи бўйича Фарғона шаҳар таълим муассасаларининг 15 ва 16 яшар ўқувчилари учун ишлаб чиқилди.

## 2 жадвал

### Тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган ўқувчи қизлар танасининг узунлиги ва вазни кўрсаткичларини ўзгаришларини йиллик динамикаси

Натижалар		Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари			
		Тана вазни, кг		Тана узунлиги, см	
		Ёши, йил			
		16	17	16	17
Ўлчаш натижалари	I босқич сентябр	50,9±5,5	52,1±5,5	154,8±5,3	157,6±4,6
	II босқич январ	51,1±5,9	52,8±5,3	154,9±5,4	157,7±4,7
	III босқич май	51,6±5,1	53,2±5,2	155,0±5,4	158,0±4,8
	IV босқич сентябр	52,6±5,1	55,3±6,0	155,1±4,3	158,5±4,8

Педагогик тажриба давомида тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган ўқувчи-қизларнинг жисмоний статусини ўзгаришлари динамикасини таҳлил қилиш, жисмоний ҳолат кўрсаткичларини барча ўқув йили даврида сезиларли даражада ўзгаришини кўрсатди. Масалан, биринчи ва иккинчи курс ўқувчи-қизларининг натижаларини абсолют қийматлари бўйича сентябрдан то январь ойигача бўлган даврдаги ўртача яхшиланиши унча катта эмас (0,2 секунддан ошмайди), лекин статистик жиҳатдан аҳамиятли ( $P < 0,01$ ).



Ушбу тестда эришилган натижаларни куз-қиш-ёз ойларидаги ўзгаришлари статистик жиҳатдан ишончли ( $P < 0,05$ ).


Шундай қилиб, мазкур тестда эришилган натижаларни таҳлил қилиш, ўқувчи-қизларнинг жисмоний ҳолатини энг юқори даражада ортиши сентябрдан то январ ойига қадар ва январдан то май ойига қадар содир бўлган, яъни жисмоний машқлар билан мунтазам базавий машғулотларни мавжудлиги билан ва атроф-муҳитнинг ҳароратини нисбатан мўътадил бўлиши билан тавсифланадиган жисмоний тарбия бўйича ўқув машғулотларида иштирок этилган даврга тўғри келган.

### Югуриш 100 м.с



#### 1 босқич





#### 2 босқич



### Югуриб келиб узунликка сакраш, м.



### Граната улоқтириш 500 гр м.



### Умумий эгилувчанлик, см.



## 1-расм. Ўқувчи-қизларни жисмоний тайёргарлигини мавсумий динамикаси

Ўтказилган тадқиқотларда олинган маълумотлар, иссиқ иқлим шароитларида истиқомат қиладиган тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида таҳсил оладиган ўқувчи-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларини ўзгариши йил давомида иккита босқичдан ўтади:

биринчи босқич ўқув машғулотлари даврини ўз ичига олади ва сентябрдан то май ойига қадар давом этади, унда жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларини ўсиши ва тана вазнини нисбатан кичкина ўсиши анъанаси кузатилади;

иккинчи босқич – бу, ёзги таътил босқичи бўлиб, жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишни тўхтатилиши ва атроф-муҳит ҳароратини юқорилиги билан тавсифланади. Ушбу давр учун қизлар тана вазнини жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларини бир вақтнинг ўзида

барқарорлашуви ёки хаттоки ёмонлашиши пайтида бирмунча ўсиши характерлидир.

Мўътадил иқлимли кенгликларда истиқомат қиладиган қизлар учун ҳаракат имкониятларини бевосита қарама-қарши кўриниши характерли бўлиши тўғрисидаги адабиётлардаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Уларда айнан ёз ойларида жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларини яхшиланиши кузатилади. Аналогик масалани ўрганган муаллифлар, бундай мавсумий вариациялар қиш ойларида ҳаракат фаоллигининг етишмаслиги билан чақирилишини аниқлашган.

### 3-жадвал

#### Ўқувчи-қизлари ҳаракат фаоллиги кўрсаткичларининг ўзгаришини йиллик динамикаси (бир кундаги қадамлар сони, мингта), n=140

№	Ойлар	Иш кунлари кунлари			Дам олиш кунлари		
		n	$\bar{x}$	$\sigma$	n	$\bar{x}$	$\sigma$
1	Январ: сессия, таътил	11	9,4	2,7	11	9,3	2,9
		13	19,2	4,5	10	19,4	4,1
2	Феврал: таътил, ўқиш	14	20,0	5,1	12	21,3	4,8
		13	14,2	3,1	14	17,1	3,7
3	Март	16	14,8	4,1	14	16,9	3,9
4	Апрел	17	16,6	3,5	15	18,9	4,2
5	Май: ўқиш, сессия	14	16,1	2,9	13	19,3	4,3
		15	11,2	3,1	12	12,4	2,1
6	Июнь: сессия, таътил	15	7,8	2,1	12	8,1	2,4
		16	10,1	2,3	12	10,2	2,1
7	Июл	24	8,9	1,2	14	7,9	1,9
8	Август	26	9,8	1,3	15	8,2	2,2
9	Сентябр	16	15,6	3,2	14	16,8	3,9
10	Октябрь	17	16,9	3,9	15	17,5	4,2
11	Ноябр	14	16,7	3,8	14	18,0	4,1
12	Декабр	15	16,2	3,9	12	17,1	3,9

Атроф-муҳит ҳарорати юқори бўлган, биз ўрганган ҳудудда тесқари ҳолат мавжуд бўлиб, ёз ойларидаги ҳаракат фаоллигининг етишмаслиги жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланишдаги танаффус билан ҳам ва ташқи иссиқ иқлим шароити билан белгиланган ҳаракат фаоллигини чегараланиши билан ҳам боғлиқ ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларини ўсиш суръатларини пасайишига олиб келади. Бу, кун тартибига, ёз ойларида гипертермия шароитларида тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассаса-ларида таҳсил оладиган ўқувчи-қизларнинг ҳаракат режимини фаоллаштириш зарурати тўғрисидаги масалани кўяди. Ўқувчиларнинг ҳаракат фаоллиги на-фақат об-ҳаво шароитларининг ўзгаришлари билан белгиланган мавсумий ўзгаришлар таъсири остида бўлади, балки ижтимоий омиллар, хусусан ўқиш режими таъсири остида ҳам бўлади.

Ҳаракат фаоллигининг энг паст кўрсаткичлари имтиҳонлар сессияси пайтида кузатилган. Ўқиш кунларидаги энг юқори ҳаракат фаоллиги кўрсаткичлари апрел ойида 3 жадвалда ( $16,6 \pm 3,5$  мингта қадам), октябрь ( $16,9 \pm 3,9$  мингта қадам) ва ноябр ойида ( $16,7 \pm 3,8$  мингта қадам), энг паст кўрсаткичлар эса – июнь ойида ( $7,8 \pm 2,1$  мингта қадам) имтиҳонлар сессияси

пайтида, июлда ( $8,9 \pm 4,2$  мингта қадам) ва августда ( $9,8 \pm 5,3$  мингта қадам) қайд қилинди.

Июл ва август ойлари таътил пайтига тўғри келади, унда, ҳаракат фаоллиги сезиларли даражада паст бўлади. Энг юқори ҳаракат фаоллиги кўрсаткичлари апрел ойида ( $18,9 \pm 4,2$  мингта қадам), май ойида ( $9,3 \pm 4,3$  мингта қадам) ва ноябр ойида ( $18,0 \pm 4,1$  мингта қадам) қайд қилинди.

Қадамлар сони билан аниқланадиган ҳаракат фаоллиги, ёз ойларида календар йилнинг бошқа босқичларида қайд қилинган аналогик кўрсаткичлар билан таққосланганда ўқувчи-қизлар бир неча марта пасайиши аниқланган. Бизнинг тадқиқотларимизда жисмоний сифатлар кўрсаткичларини ўсиш суръатлари ҳам ёз ойларида пасайиши аниқланди. Айниқса, ташқи иссиқ иқлим шароитларида ҳавонинг ҳарорати тана ҳароратидан сезиларли даражада юқори бўлганда, жисмоний машқлар билан шуғулланиш воситалари, шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш масаласи долзарб бўлиб қолади.

Жисмоний тарбия машғулотларини ҳавонинг ҳарорати 30 градусдан пастга тушадиган кечки соатларда ёки эрталабки соатларда ўтказишни мақсадга мувофиқлиги юзага келади. Бундай йўл ўқув-машғулот жараёни машғулотларини ва факультатив машғулотларни очиқ майдонларда ўтказиш пайтида деярли ягона йўл ҳисобланади.



**2-расм. «Кўчма зина» моделидан махсус ёрдамчи машқларни платформа**

Биз, тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасасида таҳсил олаётган ўқувчи-қизлар билан мунтазам машғулотларни ўтказишга уриндик, лекин ташкилий-маиший характердаги жуда катта қийинчиликларга дуч келдик: кундузги соатларда ҳаракат фаоллигининг пасайиши, ёз ойларида жисмоний машқларни бажариш бўйича кўпчилик вазифалар, асосан эрталабки ва кечки соатларда концентрация қилинади. Бундай шароитларда,

жисмоний машқлар билан шуғулланишнинг шундай шакллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлдики, уларни куннинг эрталабки босқичида.

Яъни соат 8 дан то 10 га қадар ва кечқурун соат 17 дан то 19 га қадар ўтказишни ҳамда «Кўчма зина» моделидан зарурий ҳаракат сифатларини ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги даражасига таъсир этиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўз вазни, бўйи ва ёшига нисбатан махсус машқлар мажмуасини индивидуал вариатив танлаб (SP) платформа сифатида фойдаланиш имконияти яратилди (2 расмга қаранг).

Диссертациянинг «**Гипертермия шароитларида жисмоний машқлар билан машғулотлар ўтказиш методикасини тажрибаларда асослаш**» деб номланган тўртинчи бобида Фарғона шаҳар тиббиёт йўналишидаги профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган 1-2 курс ўқувчи қизларидан 3 гуруҳи иштирок этди, жами 60 нафар қизлар. Барча синовдан ўтувчилар тасодифий тарзда 3 та гуруҳга ажратилди.

Биз томондан амалга оширилган тажриба тадқиқотлари, махсус машқлар мажмуасини йилнинг иссиқ босқичларида юзага келадиган гиподинамияни компенсация қилувчи восита сифатида қўллаш имкониятини аниқлашга йўналтирилди. Педагогик тажрибаларни ўтказилиши жараёнида ёз ойларида жисмоний машқлар билан ташкиллаштирилган машғулотларда шуғулланишга жалб қилинмаган назорат гуруҳи ўқувчи қизларининг ўрганилган кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Биринчи гуруҳ назорат гуруҳи сифатида хизмат қилди ва ёзги таътил даврида жисмоний машқлар билан фаол шуғулланмади (4 жадвал қаранг).

Иккинчи гуруҳ ҳафтасига тўрт марта эгилувчанлик ва координацияни ривожлантиришга қаратилган “Алпинист” методида қўлланилган статик жисмоний машқлар мажмуасини бажарди (5 жадвал қаранг).

Учинчи гуруҳ ҳафтасига икки марта иккинчи гуруҳда қўлланилган мувозанатга йўналтирилган статик жисмоний машқлардан олинган махсус машқлар ҳамда фойдали “Кўчма зина” моделида ишлаб чиқилган икки босқичли махсус машқларни тўлқинли ҳаракат методини билан машғулотларида иштирок этди (6,7,8 жадвалларга қаранг).

Ушбу машғулотлар, давомийлиги 20-25 минут бўлган қизиқ олиш машқларини миллий ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинларини (волейбол, баскетбол, гандбол) қўллашдан ташкил топди.

Мазкур биринчи назорат гуруҳи синовдан ўтувчиларининг барчасида тана вазни амалда анча даражада –  $51,1 \pm 4,8$  кг.дан то  $54,2 \pm 4,9$  кг.гача ўзгаргани ҳолати ўзига эътибор қаратади. Қизларнинг тана вазнини прогрессив ўзгариши катталиги 3.1 кг.ни (5,6%) ташкил қилди. Сентябрь ва май ойларида қайд қилинган тана вазни кўрсаткичларидаги фарқларни таққослаш, уларни юқори статистик ишончлилигини кўрсатди ( $P < 0,01$ ).

Агарда, профессионал таълим муассасалари ўқувчи-қизларининг ҳаракат фаоллигини йилнинг ёз ойларида етишмаслиги ҳолатида тадқиқ қилишда олинган натижалар таққосланса, табиийки уларнинг тана вазни ортиқча ўсиши ва ёғ тўпланиши ўта юқори бўлиши кузатилади.

Ўқувчи-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ўрганиш бўйича барча тестларда ҳаракат тайёргарлиги кўрсаткичларида, баҳор ва куз ойларида қайд қилинган натижалар билан таққосланганида статистика жиҳатидан аҳамиятли бўлган ижобий фарқлар аниқланмади. Масалан, 100 м югуриш натижалари ёз ойларида нафақат яхшиланмади, балки ёмонлашиш томонига айрим анъана кузатилди. Агарда, ўқувчи қизлар ўртача  $16,4 \pm 1,1$  сек натижани кўрсатишган бўлса, сентябр ойида такрорий тестдан ўтказишда уларнинг натижалари ўртача  $17,2 \pm 0,9$  сек.ни ташкил қилди, бу кўрсаткич  $0,20 \pm 0,1$  сек.га (1,13%) ёмонлашди.

Югуриб келиб узунликка сакраш баҳор ойларида тестлаш натижалари ўртача  $210,1 \pm 28,7$  см.ни, ўқув йилининг бошида сентябр ойида  $221,0 \pm 27,2$  см.ни ташкил қилди. Фарқлар ишончсиз бўлди ва ўтган 4 ой ичида амалда ўзгаришлар содир бўлмаганлиги (0,28%) тўғрисида далолат беради.

#### 4-жадвал

### Педагогик тажриба давомида профессионал таълим муассасаларининг 1-назорат гуруҳи ўқувчи қизларини жисмоний статуси кўрсаткичлари, n=20


№	Кўрсаткичлар	Дастлабки ўлчашлар, Май	Якуний ўлчашлар, сентябр	Фарқ	t	P
1	Тана вазни, кг	$51,1 \pm 4,8$	$54,2 \pm 4,9$	+3,1	2,21	<0,01
2	100 м. Масофага югуриш в.с.)	$17,20 \pm 0,9$	$17,40 \pm 1,1$	+0,20	0,27	>0,05
3	500м. Масофага югуриш в.с.)	$76,0 \pm 13,8$	$76,1 \pm 12,9$	+0,1	0,1	>0,05
4	Югуриб келиб узунликка сак(м)	$210,1 \pm 28,7$	$211,3 \pm 27,2$	+1,0	1,39	>0,05
5	Граната улоқтириш 500 гр. (м.)	$18,30 \pm 2,9$	$19,20 \pm 2,8$	-0,1	1,12	>0,05
6	Олдинга эгилиш(с)	$4,3 \pm 0,7$	$4,4 \pm 0,8$	-0,1	0,82	>0,05
7	Динамометрия (етакчи қўл) кг	$24,2 \pm 6,0$	$24,2 \pm 6,1$	0,0	0,01	>0,05

